



## ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

(март 2019 йил)

### Мудирлар

Даволаш факультетига қарашли  
“Неврология” кафедраси

Малака ошириш факультетига  
қарашли “1-сон акушерлик ва  
гинекология” кафедраси

### Доцентлар

Даволаш факультетига қарашли  
“Умумий ва болалар жарроҳлиги”  
кафедраси

Тиббий педагогика факультетига  
қарашли “Клиник фармакология”  
кафедраси

### Катта ўқитувчилар

Даволаш факультетига қарашли  
“Ички касалликлар пропедевтикаси”  
кафедраси

Тиббий педагогика факультетига

қарашли “Психиатрия ва наркология”

кафедраси

### Ассистентлар

Даволаш факультетига қарашли “1-  
сон факультет ва госпитал терапия”  
кафедраси

Даволаш факультетига қарашли

“Анестезиология ва реаниматология”  
кафедраси

Малака ошириш факультетига

қарашли “1-сон акушерлик ва  
гинекология” кафедраси

**Хужжатларни қабул қилиш эълон қилинган кундан бошлаб бир ой  
муддатда ректоратнинг девонхона бўлимига топширилади.  
Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.**

Тошкент тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси истеъфодаги полковник, ТТА “Нуроний” жамғармаси собиқ раиси  
**Фатхулла Зокирович ҒАЙБУЛЛАЕВ**нинг  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент тиббиёт академияси ректорати ва касаба уюшмаси 1-сонли факультет ва госпитал терапия кафедраси доценти Саид Худойбергенович Матжоновга волидаи муҳтарамаси  
**ЎҒИЛЖОН АЯНИНГ**  
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:  
**TOSHKENT  
TIBBIYOT  
AKADEMIYASI**

MUHARRIR  
**TURDIQUL  
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:  
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),  
O.Hazratov, A.Zohidiy, S.Mavlyanov,  
D.Norgulov, L.Abdugodirova, D.Xudoyqulov

Gazeta Pentium-IV  
kompyuterida sahifalandi va Toshkent  
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida  
400 nusxada chop etildi.  
Manzilimiz:  
Toshkent shahri, Farobiy  
ko'chasi, 2-uy  
**Nashr uchun ma'sul**  
**Q. Nizomov**

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot  
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda  
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi  
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun  
mualliflar javobgardir  
Бепул тарқатилади

Topshirish vaqti: 14.00

## КОРЁ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА



### ҚУТЛАЙМИЗ!

Хурматли, муҳтарам профессор-ўқитувчилар, азиз талаба-қизлар. Сизларни яқинлашиб келаятган баҳор байрами ҳамда Халқаро хотин-қизлар кунни билан чин дилдан самимий табриклаймиз.

Мана жаннатмакон диёри-мизда бетакро баҳор нафаси кезмоқда. Табиат уйғониб, борлиқ яшилликка, гулу чечакларга бурканмоқда. Аслида баҳор янгилик ва яшарли фасли ҳисобланади. Ана шу мафтункор ва гўзал фаслнинг илк байрами эса мўътабар аёлларимиз байрами билан бошланади. Қадимдан шарқда аёлларга юксак эҳтиром кўрсатиб келинган. Аёл – табиатнинг бетакрор мўъжизаси, энг буюк хилқатт дея таъриф-таъсиф берилган. Аслида ҳам шундай. Аёл буюк ва муқаррам зот.

Айтиш жоизки Тошкент тиббиёт академияси илмий, ташкилий ва бошқа жараёнларда қўлга киритилаётган ютуқларни аёл-

ларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг меҳнатдаги, илмий-ижодий изланишдаги ва ўқув жараёнидаги фидойилигини ҳаммаша юксак қадрлаймиз. Билимли, зукко, ҳар томонлама ўрнатилган талаба қизларимиз сафий илмий ортиб бораётганлиги бизни қувонтиради. Биз шундай ёшларимиз борлиги билан фахрланамиз.

Қадрли устоз-мураббийлар, ҳурматли опа-сингиллар! Сизларни барчангизни фасли навбахор ва нафосат байрамингиз билан самимий табриклайман. Сиз азизларга мустақкам соғлиқ, боқий гўзаллик, оилавий бахт, хонадонларигизга тинчлик, осойишталик ва фойзу барака тилайман. Илмий ва иждодий ишларингизда, ўқишларингизда улкан муваффақиятлар ва омадлар ёр бўлсин.

ТТА Ректори Л.Туйчиев

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорларида олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар этиб: ҳар бир олий таълим муассасалари (ОТМ) жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор ОТМдан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда республикамиз ОТМлари магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш; хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, ОТМ битирувчиларини PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, ОТМларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари ва бошқалар билан жиҳозлаб, уларнинг моддий-техник базасини мустақкамлаш ва бошқа вазифалар белгиланган.

Тошкент тиббиёт академиясида қарорларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича бир қанча хорижий ОТМ билан ҳамкорлик ишларини амалга оширишмоқда. ТТА ва Корё университети (КУ) ўртасида 2016-2020 йилларга мўлжалланган “ТТАда соғлиқни сақлаш соҳасида таълимни такомиллаштириш”га оид халқаро илмий лойиҳани академияда ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг бири сифатида эътироф этиш мумкин. Мазкур лойиҳа Корё илмий тадқиқот фонди ҳомийлигида амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида имзоланган меморандум шартларига кўра экологик ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш бўйича олий малакали мутахассисларни тайёрлаш ҳамда инсон организмига таъсир этувчи атроф-муҳит омилларини ўрганиш, уларнинг зарарли таъсирини камайтириш ва касалликлар профилактикаси йўналишларидаги илмий ишлар (PhD дастури бўйича ўқитиш) янги очилган атроф-муҳит гигиена кафедраси ҳамда гигиеник йўналишдаги кафедралар ҳамда Кунинг профилактик тиббиёт факультети кафедралари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)



АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР.



## КОРЁ УНИВЕРСИТЕТИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Таълим сифатини оширишда профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти ва тажрибаси муҳим ўрин эгаллашни инobatга олиб мунтазам равишда КУ профессорлари ўқув жараёнига жалб этилмоқда.

Корея илмий тадқиқот фонди ҳомийлигида Тошкент тиббиёт академияси ва Корея университети ҳамкорлигида бажарилаётган лойиҳа доирасида ТТА моддий-техник базасини соҳага оид замонавий асбоб-ускуна ва лаборатория жиҳозлари билан бойитиш вазифалари белгиланган.

2018 йили «Тошкент тиббиёт академияси ва Корея университети ҳамкорлигидаги илмий тадқиқот маркази» ташкиллаштирилди. Марказда замонавий жиҳозланган ўқув лаборатория хонаси, битта кўргазмалар зали, иккита ўқув хонаси ва маърузалар зали мавжуд. КУ томонидан ТТАга ҳозирги кунга қадар атроф-муҳит омилларининг физик ва кимёвий хусусиятларини ўлчаш ва баҳолашга мўлжалланган бир қатор асбоб-ускуналар ва лаборатория жиҳозлари тақдим этилди. Илмий тадқиқот марказида таълим жараёни билан бир қаторда илмий тадқиқот ишларини бажариш имкониятлар яратилган.

2019 йилнинг 20-27 январь кунлари ТТА академиясининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари ва 5A510302 “Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги” магистратура йўналиши 2 курс 13 нафар талабаси Корё университети ташриф буюришди. Ташриф давомида академиянинг профессор-ўқитувчилари корейлик ҳамкорлари билан ўқув жараёнини ташкиллаштиришга оид саволлар бўйича тажриба алмашишди. Корея университети тиббиёт маркази раҳбари ва бош ижрочи директори, Корея Университетининг тиббиёт ишлари бўйича вице-президенти Кее Нyoung Lee билан учрашув жараёнида ҳамкорликда эришилган ютуқлар ва келажакдаги режалар муҳокама қилинди.

Корё университети тиббиёт коллежида ТТА профессор-ўқитувчилари учун семинарлар ташкил этилди. Семинарлар “Кореяда тиббий таълимни баҳолаш

ва аккредитациядан ўтказиш”, “Тиббий таълимда институт фаолияти ва унинг олиб борилиши ҳамда баҳолалиши” мавзуларига бағишланган бўлиб, улар таълим сифатини яхшилаш масалалари бўйича тажриба алмашишга яқиндан ёрдам берди. Шунингдек, Корея университетида таълим жараёни билан танишилди. Корё университети тиббиёт коллежи бошқаруви ва ўқув режаларининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Ортирилган тажриба республикамизда олий тиббий таълим соҳасида ўтказилаётган ислохотлар, яъни ўқув жараёнини ташкиллаштиришга оид қонуний ҳамда



меъёрий ва услубий ҳужжатларни хорижий тажриба асосида қайта кўриб чиқишга ёрдам беради.

Магистратура талабалари атроф-муҳит муҳофазаси ва атроф-муҳитдаги омилларни аниқлашда газ хроматографда ишлаш қоидаларига бағишланган семинарда иштирок этиб керакли маълумотлар олишди.

ТТА профессор-ўқитувчилар ва 5A510302 “Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги” магистратура йўналиши 2-курс 13 нафар талабалари Халқаро 4-Академик симпозиумда (The 4-th International Academic Symposium Collaborating Academic Research and Future Challenge in Public Health between Tashkent Medical Academy – Korea University) иштирок этишди. Академик симпозиумда талабалар экологик ва атроф-муҳит омилларининг инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш ҳамда уларнинг зарарли таъсирини камайтириш ва касал-

ликлар профилактикасига бағишланган илмий тадқиқот ишларининг натижалари бўйича маърузалар қилиб, магистрлик диссертация иши бўйича ҳимоя олдидан апробациясидан ўтишди.

Ташриф давомида ТТА делегацияси Корё университети Тиббиёт коллежининг симуляцион марказига ва тиббиёт клиникасига ташриф буюришди. Симуляцион марказ ва клиниканинг тузилиши, жиҳозланиши ва фаолияти билан танишилди ҳамда уларнинг ўқув жараёнини ташкиллаштиришда аҳамияти бўйича қўшимча керакли маълумотлар олинди.

Ҳозирги вақтдаги долзарб мавзулардан ҳисобланган, атроф-муҳит ва иш жойларининг санитария ва санитариядан чиқаётган зарарли омиллари билан ифлосланиши, бунинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тажриба билан танишиш мақсадида Korea Occupational Safetyга ташриф буюрилди. Пўлат ишлаб чиқаришга мўлжалланган “POSCO” комплексида, Атом электро станциясига ва “Kogad” ташриф Жанубий Кореяда атроф ва ишчи муҳитни, шунингдек, ишчилар саломатлигини муҳофаза қилишда катта ютуқларга эришилганини кўрсатди.

Етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик таълим сифатини оширишга, рақобатбардош бўлишга ва илмий тадқиқот ишларини халқаро миқёсда муҳокама бўлишига ёрдам беради. Фақат билим олиш билан чекланиб қолмай, балки олинган билимларни амалиётга қўллаш ва давлатни ривожлантиришга йўналтириш лозим.

Хулоса қилиб, Тошкент тиббиёт академиясида Корё университети билан ҳамкорликда профилактик тиббиёт йўналишини ривожлантириш бўйича бажарилган ишлар бу борадаги ишларнинг пойдевори ҳисобланиб, келгусида ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишларини бажариш, ўқув адабиётларини яратиш, талабалар алмашинувини амалга ошириш, “Атроф-муҳит ва инсон саломатлиги” магистратура йўналиши битирувчиларини ишга жойлаштириш вазифалари турибди.

**Ф.САЛОМОВА,**  
профессор

*Нечун кўктам мадҳи тушмас ғазалдан,  
Шоирлар баҳорни куйлар азалдан.  
Табаррук чолларнинг чаккасида гул,  
Момолар уйда баҳордир нукул .  
Бир лаҳза яшарар қарри кўрганлар,  
Ажиб дилбар бўлиб қолар инсонлар.  
Баҳор норасида гўдакдек ширин,  
Кўйнида эзгулик, армон яширин.*

деган эди улуғ шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов. Юртимизда баҳор шарпаси кезиб юрибди, гўдакдек маъсум, онадек меҳрибон, отадек саховатли, сингилдек муниса... Адолатсизлик, истибодга қарши бош кўтарган исёнкор қалб соҳиби каби ирқит қорларни тағидан бойчечаклар бош кўтараётган, бинафшалар, чучмомалар, исмалоқлар, момоқаймоқлар илоҳий ранг олаётган, Аллоҳнинг жамийки маҳлуқот ва мавжудотларига қувват, шиддат ва шижоат бераётган қутлуғ кунларнинг остонасида турибмиз.

Ана шундай қутлуғ кунларнинг остонасида туриб бизнинг оналаримиз, момоларимиз, аҳли аёлларимиз, сингилларимиз, хотин-қиз ҳамкасабаларимизнинг улуғ байрами – 8-март муносабати билан аҳли илм эътирофларини қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

Нуфузли академиямиз илму фанини нафақат республика, Марказий Осиё, балки жаҳон андозалари даражасига олиб чиққан, тиббий деонтология ва касб этикасини бошларига шараф тожи қилиб кийиб олган, инсонийликни, виждонлиликни турмуш тарзига айлантирган олимларимиз кўлдир. Улар оналик, аёллик вазифаларини шараф билан бажаришдан ташқари минглаб шогирдлар етиштириб, ўнлаб дарсликлар, ўқув қўлланмалари ёзиб, мураккаб муолажаларни бажариб, ўн минглаб беморларни муқаррар ажал кучоғидан олиб қолган фидокор инсонлар, моҳир ташкилотчилардирлар. Буларга тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар: даволаш факультети декани, ҳозир педиатр – Барно Турдихўжаевна Холматова, акушерлик ва гинекология фанларини жаҳон андозалари даражасига кўтарган Фариди Мирзаевна Аюпова, Дилбар Қамариддиновна Нажмиддинова, Наргиза Маҳкамовна Мағзумова, улуғ устозимиз, Ўзбекистонда тиббий деонтология ва касб этикасини фан даражасига олиб чиққан устоз, Нью-Йорк Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим ва Академияси академиги Эркин Йўлдошевчи Қосимовнинг муносиб шогирди, терапия фанининг алломаси Наима Набиевна Насриддинова, Машкура Зиёматовна Ризамуҳамедова, Наргиза Мухторхоновна Нуриллаева, кимё фанининг билимдони Рихси Собирова Абдуқодировна, оториноларингология тараққиётига улкан ҳисса қўшган Холида Эркиновна Шайхова, неврология фани назариёти ва амалиётини жаҳон стандартлари даражасига кўтарган Гулнора Сатторовна Раҳимбоева, академиямиз ўқув ишларини узоқ йиллардан буён тартибга солиб, талаба-

лар вақти ва имкониятларини оқилона тақсимлашга ўз ҳиссасини қўшиб келаётган профессор, гистолог Азизова Феруза Хусановналар киради. Айнан ана шундай мутахассисларимиз борлиги, Ватан, миллат, юрт тараққиёти, фуқаролар саломатлиги, келажакимиз медицинасининг соҳиблари бўлмиш талабаларимизни муносиб ходимлар қилиб тарбиялаш ҳадисини олганлиги боис академиямиз нуфузи нафақат республикамизда, балки замонамиз олийгоҳлари орасида анча баланд туради.

Баайни шайх Жалолиддин Румий янглиғ бутун башариятни ардоқлаб бошига кўтарган Мир Алишер Навоий “Ҳар кунинг Наврўз ўлиб, ҳар тунинг қадр ўлсин” деганларида умримиз худди Наврўз каби яшариб, янгилашиб, илҳомланиб, қуёшларга тўлиғ бўлиб, тунларимиз эса Лайлатул қадр кечасидек Минг ойдан баракалироқ бўлишини назарда тутганлар. Мен ҳам Сизни қутламоқ истадим:

Мухтарам академиямиз хотин-қизлари, ҳамкасбларим, устозларим, илм толиблари, ҳаммангизни мустақил


## БАҲОР ВА ҒЎЗАЛЛИК

юртимизнинг энг улуғ ва энг ғўзал байрами – Халқаро хотин-қизлар айёми билан дилдан қутлаймиз. Янги кун,

Янги йилнинг ибтидоси ҳаммамизга шараф ва омадлар, офиятлар келтирсин! Улуғ ислохотларнинг бошида турган раҳбарларимизни ишлари хайрли бўлсин! Буюк шоирларимизни илҳомлантирган она мавзуси бизни ҳам қалбимизга сархушлик ва беҳудлик солди, Сиз билан баҳам кўрсак майлими?

*Ким эрур жаҳонда мунис меҳрибон,  
Иссиқ тафти билан бўлиб парвона.  
Борлиққа жон бериб яратган ҳамон  
Кўкда қуёш бўлса, заминда она.  
Ким эрур дуода бўлиб, мустақим  
Бир кунни жаннатга элтар излари.  
Улар – волидалар, ҳалим ва ҳаким –  
Момо Ҳавомизнинг мунис қизлари.  
Ким эрур борлиқда энг зўр синоат  
Тўмарисдай Кирни чўқтиролган тиз.  
Улар аҳли ҳикмат, аҳли шафоат  
Биби Осиёдай момоларимиз.  
Кимни худо суйиб, расул сийласа  
Кимни пешонасин силаса тақдир.  
Улар ортимиздан чолуеччи роса,  
Набиралар гули – қизалоқлардир.  
Улуғ арафада тилаклардир шул,  
Юзлар гул, қалблари осмон бўлсинлар.  
Тириклик бешигин тебратган оқил  
Аҳли аёллари омон бўлсинлар!*

**Алижон ЗОҲИДИЙ,**  
“Россия Экология и здоровье человека” Академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, тиббиёт фанлари номзоди, Кутбиддин НИЗОМОВ,  
Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш аълочиси, олий тоифали шифокор



Ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда маънавий тарбиянинг муҳим ўрни бор. Ёшларнинг дунёқараши бугунги кунда жадаллик билан юқорилаб бормоқда.

### МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШ ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

Замонавий илм-фан, техника, интернет воситалари уларнинг онги тафаккуридан жой олиб келмоқда. Ёшларнинг маънавий дунёқараши бевосита атроф-муҳит, таълим муассасаси жамият билан боғлиқдир. Шу ўринда ТТА академик лицейида маънавий юксалиш Ватанпарварлик ойлиги доирасида қатор давра суҳбатлари, эл ардоғидаги ибратга сазовор инсонлар билан маънавий учрашувлар ташкиллаштирилди.

Жумладан, “Диний экстремизм ва терроризмга қаршимиз” мавзусида Ўзбекистон Мусулмонлар диний идораси, Олмазор туман бош имом хатиби С.Абдурашидов, Дустжонбой масжиди имом хатиби Р.Маърифжонов ва Давлат хавфсизлиги хизмати ходимлари ташриф буюриб, йиғилганларга исломнинг моҳияти, унинг чин маънода фақат эзгуликка хизмат қилиш ва ҳақ диннинг асл мазмуни ҳақида тушунча бериб ўтдилар. Ҳуқуқи-ёшларга “Ислом моҳияти ва талқини” фильми ҳақ йўлини тўғри танлашдаги муҳим омилларни кўрсатишда асосий дастуруламал бўлиб хизмат қилди.

Ёшларнинг маънавий руҳини ватанпарварлик, миллий урф-одатлар ва анъаналарга содиқликни мадҳ этиш мақсадида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳамкорлигида “Ватан мадҳи – юксак қадрият” шiori остида маданий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Н.Раҳманов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги бошқарма бошлиғи Ж.Ниязбеков, Ўзбекистон халқ артисти, Муқимий номидаги Ўзбек давлат муסיқали драма театр директори М.Азизов, театр актрисаси М.Ортиқова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист О.Ҳамроқулов, хонанда Ш.Дарё иштирок этдилар.

Тадбир чин маънода Ватанни улуғлаш, унга сидқидилдан хизмат қилиш ғояларини ўқувчи-ёшларга сингдира олди.

Миллат гурури аждодлар меросини ўрганиш ва уни доимо ёдда сақлаш, ёш авлодларда фахр туйғусини уйғотиш борасида Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунларига бағишланган “Икки буюк шоир, икки хушзабон” номли тадбир бўлиб ўтди. Тадбир буюк аждодларимизнинг буюк меросини ёд этган ҳолда баҳсу мунозараларга тўла бўлди.

Маданий тарбия дунёқараши нечоғлик бойлиги, тўғри фикрлаш, кенг мушоҳада қилиш борасидаги асосий вази-фаларни ўз ичига олади. Маърифатни тарғиб этиш аввало театр ундаги шоҳ асарларни ўсиб келаётган авлодларга етказиш улар тафаккури ривожига муҳим ўрин тутати. Бу борада академик лицей ўқувчи-ёшлари Аброр Хидоятлов номидаги драма театрида Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссаси асосидаги спектаклни ҳамда Сатира театри актёрлари томонидан М.Бехбудиёвнинг “Падаркуш” драмаси асосидаги спектакллари томоша қилиб, маданий ҳордиқ чиқардилар. Шу билан бирга буюк шоҳ асарларнинг мазмунидан баҳра олган ҳолда бой таассуротларга эга бўлдилар.

Маънавий юксалиш баркамол авлоднинг тарбиясида ватанпарварлик ғояларини сингдириш, улар онгида аждодлар бадий меросини шакллантириш билан бевосита боғлиқдир.

### ОИЛА – БАХТ ҚЎРҒОНИ

Мангуликка қарам оила, Ичилган онт, қасам оила.

Ватан ичра ватан оила, Ҳар оила мустақкам бўлсин.

Асрлар силсиласида шаклланган бақувват, илдиз отган, йиллар шамолида тобланган азим чинор дарахти ўз кўлки салобати ила мағрурликка бўй чўзиб мардонавор ҳаёт куйини куйлайди. Инсон ҳам оилада илдиз отади, ўз сулоласи, аждодлари фахри билан авлодларга ўз насли ғурурини, шаънини тортиқ қилади, миллат номини улуғликка олиб ўтишга хизмат қилади.

Ватаннинг, миллатнинг обрўси шаклланган майдон – оиладир.

Ана шундай буюкликка қадам қўйган юрт номини, миллат шаънини улуғлаб, ўз ибрати билан барчага намуна бўладиган оилалардан бири Эргашевлар хонадонидир.

Хонадон соҳиби Маҳмуд Эргашев Саримсоқович неча йиллардан бўён халқ хизматида, ҳалол ризқ билан оила тебратган катта-ю кичикка ибрат инсон.

Маҳмуд Эргашев 1969 йил Тошкент политехника институтини тугатиб, аввал ассистент лавозимига илмий тадқиқотлар, изланишлар натижасида диссертация ёқлаб, кимё фанлар номзоди илмий даражасига эга бўлди.

150 дан зиёд илмий мақолалар, 30 дан зиёд муаллифлик гувоҳномаси, услубий ва ўқув қўлланмалар, тавсиялар чоп этган. “Ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочилиси” кўкрак нишони билан тақдирланган.

Ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда. Ўз касбига садоқатли, жонкуяр устоз мана неча ўн йиллардан буён минглаб шогирдлар етиштириб келади. Таълим-тарбия ишларида камарбаста. Фидоқорона меҳнати билан ҳамкасблари, шогирдлари ардоғида.

Чинакам муҳаббат йиллар силсиласида синовларга учрайди. Ҳаёт аталмиш улкан меъмор қўлида санъатга айланди.

Эргаш ота ва Ақидахон аялар оиласи чин маънода муҳаббатдан бахт кашф этган, муқаддас оила қўрғонини бунёд этиб, бугун барчамизга ибрат бўлаётган ибратли оила эгаларидир.

Беш фарзанднинг оқ ювиб, оқ тараб покликка ҳалолликка етаклаган, бугунги кун қаҳрамонлари

чин маънода авлодларга ўрناق бўларлик йўлни босиб ўтдилар.

Фарзандларининг барчаси олий маълумотли, шифокор эл корига яровчи оқ либос соҳибларидир. Набиралари ҳам бобо-бувиларининг ибрат мактабида тобланиб республикамизнинг нуфузли ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар. Ана шундай фахру ифтихорга тўла Эргашевлар оиласи 2018 йил республикамизда ўтказилган “Ибратли оила” кўрик-танловининг муносиб совриндори бўлдилар.

Бу ютуқ чин маънода Тошкент тиббиёт академияси ҳамда академик лицейи жамоасини қувонтирди. Ибрат мактабининг муносиб эгалари ТТА академияси ректори Л.Тўйчиев, ТТА академик лицейи директори А.Шермуратовлар томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Академик лицей психологи Х.Усманова “Ибратли оила” деб номланган очик дарсида Эргашевлар оиласининг мустақкам қўрғонига тамал тоши қўйган оила вакиллари тақлиф қилди. Оиланинг барча аъзолари ўқувчи-ёшларга ўз ибрат мактабларининг очик дарсини намойиш этдилар.

Жамиятнинг ривож, миллатнинг равнақи оилаларнинг фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Зеро, ибратли оилалар миллатнинг умрбоқийлиги, мамлакат келажагининг ривожига асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Шундай экан барчага намуна бўлган Эргашевлар оиласининг ибрат қўрғони асрлар давомида халқнинг ифтихори, ғурури жамият таянчи сифатида бардавом бўлишини тилаймиз.

Н.ҲАКИМОВА, ТТА академик лицейи Ёшлар иттифоқи етакчиси

### ФИДОКОР ЁШЛАР – ЮРТ ТАЯНЧИ

Юрт таянчи ва ишончи шу мамлакатнинг ёшлари ҳисобланади. Бугунги кун ёшлари ҳар томонлама илғор, ташаббускор ўз фикрига эга келажак бунёдкорларидир. Келажак эгаларининг ўқиши, билим олиши, ҳунар эгаллаши, дунё миқёсида ўз иқтидори, истеъдодини намоён қилиши борасида кенг қўлламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ёшларни маънавий етук ва жисмонан соғлом, ватанпарвар, фидойи этиб тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг қўлламли ишлар амалга оширилди. Шунга қарамасдан ёшлар ҳаётининг энг долзарб масалалар, айниқса уюшмаган ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит ва имконият яратиш, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш, ташаббусларни рағбатлантириш бўйича юртимизда кенг ислоҳотли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида ёшларга оид давлат сифати бўйича дастурнинг таълим муассасасидаги ижроси борасида 2018-2019 ўқув йилида қатор вазибаларни бажариб келинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 декабрдаги қарорига мувофиқ фуқаролар хавфсизлиги аҳоли осойишталиги таъминлаш борасида чора-тадбирлар

юзасидан Тошкент тиббиёт академияси академик лицейида “Фидокор ёшлар” гуруҳи ташкил топди.

Академик лицей ўқувчиларининг 66 нафари “Фидокор ёшлар” гуруҳи аъзоси ҳисобланади. Гуруҳ аъзолари ички тартиб интизом, ўз-ўзини бошқариш “Тенгдош-тенгдошга маслақдош” шiori остида қатор вазибаларни сидқидилдан бажармоқдалар. Гуруҳ аъзоларининг фидойи, ташаббускор, жонкуяр аъзолари жорий йилда “Мард ўғлон” давлат мукофотига ўз номзодларини қўйиб, келажакдаги улкан мақсадлари сари олға қадам босмоқдалар.

Академик лицей жамоаси ўз олдига ўқув йиллар давомида истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, чет тилларни ўргатиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашга қаратилган лойиҳаларни амалга

ошириш таъминланмоқда. Бу борада академик лицей ўқув ишлари, маънавий ҳаёти, ёшлар билан ишлаш жараёнида қатор самарали ютуқлар қўлга киритилмоқда. Ёшларнинг эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, онги ва қалбда мустақиллик ғояларига содиқлик, миллий ўзликини англаш, Ватанга муҳаббат, унинг тақдирига дахлдорлик ҳиссини қарор топтириш ва ўқувчи-ёшларимизни мафкуравий таҳдиддан асраш интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш асосий вазиламиздир.

Фидокор ёшлар – бугуннинг мард ўғлонлари, Ватан ҳимоячилари, эртаммиз эгаларидир.

А.ШЕРМУРАТОВ, ТТА академик лицейи директори

### ҚИЗЛАРНИНГ ЎСМИРЛИК ДАВРИДАГИ ИЖТИМОЙ ВА ТИББИЙ МУАММОЛАРИ

Маълумки, ўсмирлик даври Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти таснифига биноан организмнинг юқори даражада физик, ақлий ва психосоциал ривожланиши ва алмашинуви даври бўлиб, инсон ҳаёти давомида унинг ўсиши ва ривожланиш даврининг деярли ярмини қамраб олади.

Бу давр организм ўсишининг тезкорлиги билан характерланади, шу билан бирга барча тизимлар, айниқса нейро-эндокрин ва иммун тизимнинг ривожланиши ҳамда айрим патологик жараёнларнинг кечиши бўйича қизлар ва ўғил болалар учун “хавфли давр” бўлиб ҳисобланади.

Дарҳақиқат, ўсмирлик даври инсон ҳаётининг нозик палласи ҳисобланар экан, улар билан мулоқот қилиш, маслаҳат бериш ва баҳолашда оила аъзолари, маҳалла пешқадамлари, тарбиячи-мураббийлар ва тиббиёт ходимлари томонидан зийраклик, хушмуомалалик, дўстона муносабат, шифокорлик сирини сақлаш ва алоҳида эътибор билан ёндошишни талаб этади.

Жумладан, ўсмир қизларнинг психосоциал ривожланишини баҳолашда қуйидагиларга эътибор бериш зарур: оилавий муҳит, жинсий ва гиёҳвандликка қарши тарбияси, ҳар хил оқимлар қуршовига муносабати, ростгўйлик, дўстона алоқалари, мустақиллиги, шахсининг қандай шакллангани, шахсий лаёқати ва чидамлилиги. Қизлар характеридаги психологик ўзгаришлар ҳам кўпинча ўсмирлик даврида кўрина бошлайди: ваҳима, ижтимоий безовталиқ, депрессия, ахлоқнинг бирор нарсага қарамлилиги, овқатланишнинг бузилиши, мажбурий анорексия шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни

қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 февралдаги Фармони ва 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан жорий йилда Тошкент тиббиёт академияси Хотин-қизлар кўмитаси томонидан 6-курс фаол талаба-қизлари ва Зангиота туман “Иттифок” маҳалла фуқаролар йиғини раиси иштирокида 1-сон умумтаълим мактаби фаоллар залида “Ўсмир қизларнинг тиббий ва ижтимоий муаммолари” мавзусида тадбир ташкил қилинди. Тадбир жараёнида ўсмир қизларнинг жамиятда тутган ўрни, оиладаги вазибалари, одоб-ахлоқи ва тиббий муаммолари ҳақида турли хил мунозаралар бўлди, фикр-мулоҳазалар билдирилди. Тошкент тиббиёт академияси тиббий-педагогика факультети 603-б гуруҳ талабаси Мунира Бекназарова “Ўсмир қизларда педикулез. Даволаш ва асоратлари” мавзусида маъруза қилди. Маърузадан сўнг ўқувчилар билан қизиқарли савол-жавоблар бўлди. Тадбир жонли мулоқот асосида таассуротларга бой ва кўтаринки руҳда ўтди.

Л.РАҲМАНОВА, ТТА Хотин-қизлар кўмитаси раиси

Ҳикмат




Гар қувончинг қувиб келди сени бу дам, Ортида у ҳамроҳ этган қулфатни ҳам.



Ҳикмат

Ҳикмат



Гар қўлингдан ҳар даме тушмас шароб, Ҳолинг хароб, ҳолинг хароб, ҳолинг хароб.



Ҳикмат

## ФУҚАРО МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ БОРАСИДА 2018 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

**Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги Фармонига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш соҳасида йўлга қўйилган янги тизим жойларда аҳоли кенг қатлами билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, муаммолар ечимини самарали механизми ҳамда усуллари жорий этишга замин яратмоқда.**

Энг муҳими юрtdошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини ва миннатдорлик ҳиссини янада оширмоқда. Ҳар бир мурожаат замирида инсон тақдири ифодалангани боис уларга нисбатан бефарқ бўлишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу маънода Тошкент тиббиёт академияси ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда, жумладан асосий эътибор фуқароларни қабул қилиш ва уларни мурожаатларини кўриб ҳал этилиши ҳолатлари, шунингдек, қонунда белгиланган тартиб ва муддатларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиб келинмоқда.

Академияда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, Президент Халқ қабулхонаси, веб-сайт, электрон почта, ёзма ва оғзаки, ишонч телефони орқали академияга жисмоний ва юридик шахслар томонидан келиб тушаётган мурожаатларнинг ижроси сўзсиз бажарилишини таъминлаш ва йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш юзасидан чоралар кўрилмоқда. Академияда расмий сайт, ижтимоий тармоқлар орқали ҳамда конунчиликда белгиланган йўллар билан юборилган мурожаатлар кўриб чиқилиши натижаларини тизимли ёритишни таъминлашга қаратилган тадбирлар мунтазам ишлаб чиқилмоқда.

Йил давомида тиббиёт таълим тизимида мурожаатлар билан ишлашнинг ҳолати тўғрисида талабалар (аноним сўровномалар) ва ота-оналари, жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ва уларнинг натижалари ҳақида академия жамоасини Илмий кенгаш ва ҳафталик ректорат йиғилишларида мунтазам хабардор қилиб борилади.

Академияда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлашда очкилик ва шаффофликни янада кенгроқ таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар шахсан ректоримиз Л.Туйчиев томонидан назорат этилади. Раҳбарият томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича масъулларнинг қабуллари тасдиқланган жадвал асосида олиб борилмоқда. Академия ректорати биносида жисмоний ва юридик шахслар қабули, меъёрий ҳужжатлар ва ахборот бўйича алоҳида стэнд ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ жисмоний

ва юридик шахсларни мурожаатларини таҳлил қилиш ва академиянинг ҳафталик (душанба кuni) ректорат йиғилишларида мурожаатлар ижросини танқидий муҳокама этиб борилишини таъминлаш ИНИМ бўлими бошлиғи Ҳ.Миршаропов томонидан мунтазам амалга оширилади. Тошкент тиббиёт академиясида расмий веб-сайти ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)), электрон манзил [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz), [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru), [Laziz.tuychiev@tma.uz](mailto:Laziz.tuychiev@tma.uz), "Адолат қутиси", "Ишонч телефони" (150-78-25) орқали келиб тушган мурожаатлар тизимли равишда масъуллар томонидан муаллифларга мурожаатда келтирилган ҳар бир муаммо юзасидан тўлиқ ва асосланган жавоб хатлари берилишини таъминлаш қонунда кўрсатилган муддатларда таъминланади.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳар чорақда умумлаштирилиб, таҳлил қилиниб, ҳисобот шакллари асосида ўрнатилган тартибда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига академия бўйича фуқаролар мурожаатлари бўйича масъул Ф.Тухтаходжаева томонидан ўз муддатларида мунтазам тақдим этилади. 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари орқали 16 та мурожаат, Виртуал қабулхонаси орқали 41 та мурожаат келиб тушган.

2018 йил давомида Фуқароларнинг мурожаатлари бўйича иш юритишда [rtm2.gov.uz](http://rtm2.gov.uz) дастури имкониятларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди. Йил якунига асосан тизим орқали фуқаролардан 120 та, ёзма мурожаат 10 та, веб-сайтдан 109 та, электрон почтадан 27 та мурожаат тушди ва ўз муддатларида ижролари тўлиқ бажарилди. Ишчи гуруҳ ўрганишлари ва таҳлилига асосан мурожаатларда асосий кўтарилган масалалар: ўқишга қабул, ўқишни кўчириш, қайта топшириш масалалари асосий мурожаатлар салмоғини ташкил этди. Бундай мурожаатларнинг сонини камайтириш чораларини кўриш мақсадида ҳар бир ректорат ва академия мураббийлар кенгаши йиғилишларида ТТА қошидаги академик лицей, халқ таълимига қарашли ўрта таълим масканлари ва маҳаллалар жамоатчилиги ўртасида аҳолини давлатимиз томонидан ўқишга қабулини такомиллаштириш бўйича жорий этилаётган тегишли ҳукумат қарорлари, меъёрий ҳужжатлари ва

кўрсатмалари билан таништириш ишлари мунтазам олиб борилиши мураббийлар ва профессор-ўқитувчилар томонидан амалга оширилмоқда.

Тошкент тиббиёт академиясида мурожаатлар билан ишлаш жараёнини янада ёритиш бўйича 2019 йил учун мўлжалланган Дастур ишлаб чиқилган ва ректор ҳузуридаги йиғилишда муҳокама этилган.

2018 йил декабрь ойидан академия расмий веб-сайти ([www.tma.uz](http://www.tma.uz))да Жисмоний ва юридик шахсларнинг қабули рўқни жорий этилди ва жисмоний ва юридик шахсларнинг қабули бўйича чорақлик ва йиллик маълумотлар тизимли равишда бериб борилиши таъминланмоқда.

Академияда ва академия қошидаги академик лицейда мутасадди раҳбарлар томонидан фуқароларни қабул қилиш ҳамда ижро интизомига риоя этиш ҳолатини мунтазам равишда ўрганиш, уларнинг натижаларини атрофлича танқидий муҳокама этиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ТТАнинг 2018 йил 30 ноябрь 719-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 9 январь мурожаатлар билан ишлаш бўйича ТТА қошидаги академик лицейда масъуллар ва лицей жамоаси иштирокида семинар ўтказилди.

Келгусида Тошкент тиббиёт академиясида фуқароларни ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, давлатимиз томонидан таълим тизимини ислоҳ қилишга қаратилган Ҳукумат қарорлари ва чора-тадбирлари ижросини таъминлаш мақсадида уларнинг мурожаати бўйича электрон манзил: [info@tma.uz](mailto:info@tma.uz), [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru), [Laziz.tuychiev@tma.uz](mailto:Laziz.tuychiev@tma.uz), расмий ректор виртуал қабулхонаси ва "Ишонч телефони" орқали бевосита раҳбарга мурожаат қилиш тизимини узлуксиз фаолият юритишини таъминлаш, келиб тушадиган мурожаатларнинг мавзуларидан келиб чиққан ҳолда академиянинг расмий веб-сайтининг "Кўп бериладиган саволлар" рўқнини ташкил этиб, доимий равишда асосли жавоблар билан бойитиб бориш режалаштирилди.

**Ҳ.МИРШАРОПОВ,  
Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи,  
Ф.ТУХТАХОДЖАЕВА,  
ТТА фуқаролар мурожаатлари бўйича масъул**

## ТТА бўйича февраль ойида тузилган ҳамкасб, устозларимиз

№	Ф.И.Ш.	Тузилган санаси	Кафедра ва лавозими
1	Таджибаева Раъно Баҳадировна	11.02.1976	Нормал ва патологик физиология кафедраси катта ўқитувчиси
2	Норбоева Санобар Азодовна	27.02.1989	Нормал ва патологик физиология кафедраси ассистенти
3	Пахомов Георгий Львович	25.02.1959	2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси доценти
4	Хаялиев Рустем Якубович	03.02.1977	2-сон факультет ва госпитал жарроҳлик кафедраси доценти
5	Анваров Жаҳонгир Абралович	13.02.1982	Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси ассистенти
6	Бабаматова Хилола Умирсаидовна	20.02.1970	Фтизиатрия кафедраси ассистенти
7	Алмурадова Дилбар Мурадовна	16.02.1988	Онкология кафедраси ассистенти
8	Насиров Сандрасул Камалович	06.02.1989	Онкология кафедраси ассистенти
9	Мусаева Лола Жура кизи	08.02.1974	Клиник фармакология кафедраси катта ўқитувчиси
10	Абдурахимова Лола Анваровна	09.02.1982	3-сон ички касалликлар кафедраси катта ўқитувчиси
11	Буранова Сағдияна Насуруллаевна	14.02.1987	3-сон ички касалликлар кафедраси ассистенти
12	Нигматова Гулнара Махсудовна	25.02.1963	2-сон акушерлик гинекология кафедраси доценти
13	Шуқуров Фарход Ишқулович	02.02.1966	2-сон акушерлик гинекология кафедраси доценти
14	Алиев Азизжон Шавкатович	16.02.1982	Дерматовенерология кафедраси ассистенти
15	Хамраев Алишер Шаҳобович	05.02.1964	Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси доценти
16	Салохиддинов Фахриддин Бахриддинович	04.02.1974	Травматология, ортопедия ва ХДЖ кафедраси ассистенти
17	Солихов Мирлихон Усманович	13.02.1956	Д/Ф Ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси катта ўқитувчиси
18	Худайбергана Ноля Хамитовна	09.02.1971	Д/Ф Ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси ассистенти
19	Алиқулов Ихтиёр Тиловоқибович	05.02.1985	Д/Ф Ички касалликлари пропедевтикаси кафедраси ассистенти
20	Худайназаров Хайрулло Хамитович	14.02.1970	Д/Ф Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси ассистенти
21	Файзуллаев Тожиддин Сулайманович	06.02.1977	Д/Ф Умумий ва болалар жарроҳлиги кафедраси ассистенти
22	Каримова Барно Норматалиевна	25.02.1970	Д/Ф 2-сон болалар касалликлари кафедраси катта ўқитувчиси
23	Билолов Эркин Нозимович	17.02.1958	Д/Ф Офтальмология кафедраси муdiri
24	Исомов Тохир Мансурович	19.02.1988	Д/Ф Анестезиология ва реаниматология кафедраси ассистенти
25	Назарова Дилрабо Эркиновна	28.01.1985	Д/Ф 2-сон акушерлик ва гинекология кафедраси катта ўқитувчиси
26	Садуллаева Умида Азимовна	18.02.1976	Д/Ф 2-сон акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти
27	Рассолина Марина Владимировна	06.02.1967	Д/Ф 2-сон акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти
28	Халиков Пулат Хужамкулович	15.02.1943	Гистология ва тиббий биология кафедраси профессори
29	Омонов Акмал Абдуқалимович	12.02.1987	Тиббий ва биологик кимё кафедраси ассистенти
30	Махсумов Шарафиддин Минҳажович	19.02.1958	Фармакология кафедраси доценти
31	Шокирова Фарида Жураевна	23.02.1974	Гематология трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти
32	Раимова Дурдона Акбаралиевна	27.02.1977	Гематология трансфузиология ва лаборатория иши кафедраси ассистенти
33	Адилова Зилолаxon Улмасовна	27.02.1973	Жамоат соғлиқни сақлаш мактаби ассистенти
34	Саидова Гулбахор Турсуналиевна	28.02.1965	Болалар ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси ассистенти
35	Махмудов Лазизжон Юсупович	11.02.1983	Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
36	Бобожонова Шахноза Йўлдош кизи	10.02.1992	Тиллар кафедраси ўқитувчиси
37	Каирова Лола Уткуровна	05.02.1973	Тиллар кафедраси ўқитувчиси
38	Каримбаев Шаҳрамбай Дехканбаевич	20.02.1955	Жамоат саломатлиги соғлиқни сақлашни ташкил этиш бошқаруш кафедраси доценти
39	Алиқулова Дилрабо Яқшибаевна	23.02.1977	Аллергология клиник иммунология ва ҳамширалик иши кафедраси катта ўқитувчиси
40	Шухрат Абдуҷалилович	15.02.1969	Ўқув ишлари бўйича проректор
41	Маджидов Алишер Шавкатович	20.02.1975	Буюртлар портфелини шакллантириш, битирувчиларни ишга тақсимлаш ва мониторинг бўлими бошлиғи
42	Ташпулатов Фаррух Бахтиярович	11.02.1991	Режа-молия бўлими бошлиғи
43	Раззоков Алишер Ахматович	15.02.1983	Тиббий профилактика ва тиббий биология факультетининг декан ўринбосари
44	Худдиева Гулчехра Ахмадовна	06.02.1968	Илмий-услубий ва ахборот маълумот бўлими бошлиғи
45	Тошпулатова Умида Авазовна	10.02.1986	Илмий-услубий ва ахборот маълумот бўлими
46	Акрамова Ирода Раҳматовна	23.02.1990	Малака ошириш факультети иш юритувчи
47	Махаммаджанова Муъясар Шомансуровна	19.02.1969	Мониторинг ва ички назорат бўлими услубчи
48	Хасанова Азиза Маликовна	19.02.1960	Режа-молия бўлими 1.д. иктисодчи
49	Матчанова Гавхар Атабаевна	15.02.1964	Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими 1.д. муҳандис
50	Илясова Наргиза Хамидуллаевна	05.02.1982	Магистратура бўлими услубчи
51	Мирбобоев Фазлиддин Нигматуллаевич	14.02.1965	Дурадгор гуруҳи б.д. дурадгор

ТТА ректорати ва касба уюшмаси номлари зикр этилган ҳамкасб, устозларимизни яна бир бор таваллуд қилгани билан муборакбод этади.

